

**ERASMUS + ЛОЙИҲАСИ АСОСИДА ЖИҲОЗЛАНГАН ТОШКЕНТ
ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИДАГИ ЗАМОНАВИЙ РЕАБИЛИТАЦИЯ
АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАШ
ИМКОНияТЛАРИ**

*Аширбаев Шерзод Пардаевич, Абдусатторов Сарвар Шокирович
Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Ўзбекистон*

Телефон: +998998132744, e-mail: s.abdusattorov@umail.uz

Annotation

This article is written about the introduction of modern innovative information and communication technologies in the Tashkent pediatric medical Institute

Аннотация

Ушбу мақола Тошкент педиатрия тиббиёт институтида тадбиқ этилган замонавий, инновацион, энг янги ахборот-коммуникация технологиялари ҳақида ёзилган

Аннотация

Тошкент педиатрия тиббиёт институти ЕС Erasmus+ нинг TECHREN молиявий мақулланган лойиҳасини қўллаётгани тўғрисида маълумот берилган. Ушбу мақола лойиҳа томонидан 515 дан зиёд тушган буюртмалар ичидан маблағ билан таъминлашда тавфсия этиш учун 140 лойиҳалар танлаб олинди, шу жумладан 12 та Ўзбекистондаги таълим муассасалари (ОТМ) қатнашган лойиҳалардир. TechReh ERASMUS+ лойиҳаси ТошПТИ ва унинг юртимиздаги ҳамкорлари ТошПТИ Нукус филиали, ТАҲУ ва унинг Қарши филиали, шунингдек нодавлат ўқув ҳамкор сифатида ЎРОС М.В ва РИИАТМ тиббий реабилитация (Семашка номидаги) марказ орқали амалга оширилди. Лойиҳанинг асосий вазифаси – магистр курслар яратиш ва реабилитация соҳасида илғор ахборот технологиялари қўллаш ҳисобланади.

Лойиҳа мақсади: Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари ва тиббиёт марказлари салоҳиятини инновацион усуллар ва талаблари асосида имкониятларни кенгайтириш.

Кутилаётган натижалар: TechReh 3 та асосий натижага эришиб қолган.

1. Магистратура дастури тиббиёт реабилитация соҳасида факультетларни ва тиббиёт ходимларини тайёрлашда илғор технологик ечимлорни қўллашдаги инновацион усуллардан фойдаланиш, бунда симсиз компютер тармонда реабилитация маркази томонидан беморларни даволашда ва кундалик муолажа ҳаёт фаолияти назоратини олиб борувчи мониторинг тизими, виртуал реаллик ва рухий реабилитация.

2. Ташкил этувчиларни бошқариш тизимида мунтазам алоқа, тарқатиш, интернационализация ва реабилитация соҳасида илмий таълим-инновацияларни ўзаро бир бирига таъсирини веб-платформа орқали амалга оширилади. Юқоридагилар асосида, э-таълим методологияси ёрдамида бир неча магистрлик модулини қўллаб-қувватлашда амалий ёрдам ва халқаро тармоғини ривожлантиришда ўзига хос воситалари (форум, чат, маълумотлар базаси ва ҳ. к.) билан таъминланади.

3. Ўзбекистон Республикаси хар бир ҳамкор олий ўқув юртларида тиббиёт реабилитация соҳасида илмий-тадқиқотларни ва технологиялардан фойдаланишни ва

тадбиқ этишни қўллаб қувватлашда асосий рол ўйнайдиган доимий идораларни ташкил этиш.

2017 йилда Тошкент педиатрия тиббиёт институти (ТошПТИ) TechReh ERASMUS + лойиҳаси асосида замонавий реабилитация ахборот-коммуникацион технологиялари билан жиҳозланди. Ушбу лойиҳа асосида ўрнатилган жиҳозлар замонавий, илғор, инновацион ахборот технологиялари ҳисобланиб, уларга Nirvana тизими, Smart DX тизими, G-sensor қурималари, EMG қурималари, киради. Ушбу қурулмалар жуда ҳам кўп имкониятларга эга бўлиб асосан тиббиёт соҳасидаги физиотерапия орқали даволаш, ташхис қўйиш, хулоса чиқариш, статистик ва тиббий маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш, қайта ишлаш имкониятини беради.

Nirvana тизими асосий тўрт қисимдан ташкил топган. Ушбу қисимларга проектор, Tool-Box қуримаси, интерактив ширвана компьютери, ва шахсий компьютер киради. Nirvana тизими орқали шифокор беморга компьютер дастур билан орқали сенсорли экран турли хил қизиқарли машқлар бажаришни компьютер ўйинини қўллаш орқали жисмоний машқлар бериш мумкин. Ушбу ҳолат бемор учун қизиқарли, ҳамда ноанъанавий усуллардан фойдаланиш ҳисобланади. Nirvana тизимидаги проектордан таралувчи ёруғликнинг имкониятидан келиб чиққан ҳолда деворга, ерга ёки стол устига тушириш мумкин.

Smart DX тизими қуйидаги қисимлардан ташкил топган. Ушбу қисимларга инфрақизилнур асосида ишловчи Smart DX камералари, FreeEMG датчиклари, G-sensor қуримаси киради.

Smart DX тизими орқали инфрақизилнур асосида ишловчи тиббиёт камералари орқали беморнинг қадам ташлаш цикли, бўйин ҳаракати таҳлили, юқорига сакрашнинг статистик таҳлил олиб бориш мумкин. Булардан ташқари ушбу ҳаракатлар йўналишини 3 фаза ўлчамида кўриш имконияти мавжуд. FreeEMG қуримаси орқали мускулларнинг ишлаш статистик таҳлилини билиш имконияти мавжуд.

Мавзунинг долзарблиги:

Бугунги кунимизни ахборот-коммуникацион технологияларисиз тасаввур этишимиз қийин. Қайси соҳа бўлмасин замонавий ахборот технологияларидан фойдаланилади. Жумладан тиббиёт соҳасида замонавий ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш юқори самарадорлик ва имкониятни




Nirvana тизими орқали ишга тушириладиган визуал борлик



Smart DX тизими инфрақизил нур камералари

олиб келмоқда. Замонавий ахборот-коммуникацион технологияларидан фойдаланиш барча соҳаларда илмий изланишларда юқори самарадорликка эришишга, аниқ статистик таҳлиллар олиб боришга имконият беради.



G-sensor қурилмаси ва унинг ишлатилиши



FreeEMG қурилмаси ва унинг ишлатилиши

Мақсад: TechReh ERASMUS + жойлашишида Тошкент педиатрия тиббиёт институтида тадбиқ этилган замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, Nirvana тизими, Smart DX тизими, тиббий соҳаларда қўллаш, илмий изланишларда фойдаланиш.

Вазифалар:

- Nirvana тизими, Smart DX тизими Республикадаги барча тиббий муассасаларда тадбиқ этиш.
- Тиббиёт соҳасида замонавий ахборот-коммуникацион технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланиш.
- Тиббиёт соҳасида замонавий ахборот-коммуникацион технологияларидан фойдаланган ҳолда илмий тадқиқотлар олиб бориш.

Хулоса: XXI асрда ахборот-коммуникация технологиялари жадал равишда ривожланмоқда. Барча соҳаларда замонавий ахборот технологияларидан қўлланилиб юқори самарадорликка эришилмоқда. Шу жумладан тиббиёт соҳасида ҳам илғор ахборот-коммуникацион технологиялари фойдаланиш жуда кўп имкониятларни яратади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонга турли ҳил ривожланган мамлакатлардан илғор тиббиёт техникалари кириб келмоқда ва юқори самарадорликка эришилмоқда. Юқорида санаб ўтилган Nirvana тизими, Smart DX тизими, Infini-T платформаси, ҳаракатни кузатувчи инфракизилнур камералари имкониятларидан фойдаланган ҳолда илмий изланишларни олиб бориш юқори самарадорликка эришишга ёрдам беради.